

## АБУЛҲАСАН МОВАРДИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИ: “АДАБ АЛ-ҚОЗИ” АСАРИДА ҚУРЪОНШУНОСЛИК УСУЛЛАРИ ЁХУД ИСЛОМ ҲУҚУҚИ МАНБАШУНОСЛИГИ – КИТОБ, СУННАТ, ИЖМОЪ, ҚИЁС, ИЖТИҲОД, ИСТИНБОТ, ИСТИҲСОН

**Жўраев Зиёвуддин Муҳитдинович**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети “Манбашунослик ва архившунослик” кафедраси катта ўқитувчиси;

Ўзбекистон халқаро ислом академияси Исломшунослик факультети“

Исломшунослик ва Ислом цивилизациясини ўрганиш ICESCO” кафедраси докторанти (DSc)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7489444>

**Аннотация.** Мазкур “Абулҳасан Мовардий илмий мероси: “адаб ал-қози” асарида қуръоншунослик усуллари ёхуд ислом ҳуқуқи манбашунослиги – китоб, суннат, ижмоъ, қиёс, ижтиҳод, истинбот, истиҳсон” номли мақолада 964-1058 йилларда яшаган Абулҳасан Мовардийнинг сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи, давлат бошқаруви назарияси тараққиётига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган илмий мероси таснифланган.

**Калит сўзлар:** Қуръон, Ислом, Аҳком, ал-Мовардий, ҳуқуқ, сайлов, сунна, имомат, султон, қуръоншунослик усуллари, ислом ҳуқуқи, манбашунослик, китоб, суннат, ижмоъ, қиёс, ижтиҳод, истинбот, истиҳсон

## НАУЧНОЕ НАСЛЕДИЕ АБУЛХАСАНА МОВАРДИ: МЕТОДЫ КОРАНИСТИЧЕСКОГО ИЗУЧЕНИЯ ИЛИ ИСТОЧНИКИ ИСЛАМСКОГО ПРАВА В ТРУДЕ "АДАБ АЛЬ-КАЗИ" - КНИГА, СУННАТ, ИДЖМА', СРАВНЕНИЕ, ИДЖТИХАД, ИСТИНБАТ, ИСТИХСОН

**Аннотация.** Эта статья Научное наследие Абулхасана Моварди: методы коранистического изучения или источники исламского права в труде "Адаб аль-кази" - книга, суннат, иджма', сравнение, иджитихад, истинбат, истихсон” описывает работу Абулхасана Моварди, жившего в 964-1058 годах под наследия которая внесла значительный вклад в развитие истории политико-правового учения и теорию государственного управления.

**Ключевое слова:** Коран, Ислам, Ахкаам, Маварди, право, выбор, сунна, имамат, султан, методы коранистического изучения, источники исламского права, книга, суннат, иджма', сравнение, иджитихад, истинбат,

## THE SCIENTIFIC HERITAGE OF ABULHASAN MOWARDI: THE METHODS OF QURANISTIC STUDY OR THE SOURCES OF ISLAMIC LAW IN THE WORK OF "ADAB AL-QAZI" - THE BOOK, SUNNAT, IJMA', COMPARISON, IJTIHAD, ISTINBAT, ISTIHSON

**Abstract.** This article The scientific heritage of Abulhasan Mowardi: the methods of quranistic study or the sources of islamic law in the work of "Adab al-qazi" - the book, sunnat, ijma', comparison, ijti had, istinbat, istihson” describes the work of Abulhasan Mowardi, who lived in the years 964-1058 which made a significant contribution to the development of the history of political and legal doctrine and the theory of public administration.

**Key words:** *qur'an, islam, ahkom, al-mavardi, laws, government, election, sunna, imamat, sultan, he methods of quranistic study, the sources of islamic law, the book, sunnat, ijmo', comparison, ijthod, istinbot, istehson.*

Ислом дини дунёнинг бир қанча диёрлари ва халқлари, элат ва миллатлари орасида тарқалиб, аксарият халқлар исломни қабул қилиб мусулмончилик йўлини танлагач, араб халқи эса бошқа миллатлар билан қўшилиб кетгач, ўзгача тарихий бурилиш, шарт-шароит юзага келди. Ислом дини оламларга ёйилгач, унинг ҳақиқий ва ҳуқуқий асосларини тушунишга бўлган интилиш ҳаётий заруратга айланди. Пайдо бўлган ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун умуминсоний ҳамда исломий қоидалар ишлаб чиқиш эҳтиёжи туғилди.

Натижада ислом фалсафаси ва плюралиزمи ўзида то қиёматгача, дунё ва охиратда сўзига жавоб бера оладиган қатор, давр синовларидан омон қолган асосан 4та мазҳаб таълимот эгалари бўлмиш ироқлик, мадиналик, шомлик ва мисрлик ва ҳоказо ерлик даҳолар етишиб чиқишига олиб келди. “Усулул фикҳ” илмига асос солинди. Бу ишни юзага чиқиши ва барқарор ва бардавом бўлишида “Аҳлис сунна вал жамоъа” мазҳаббош имомлари урф-одат, географик ва минтақавий таомиллар, табиъий шарт-шароит, ҳамда қуръоншуносликка кўра асос солганлар:

**Ироқ+Эронда** Нўъмон ибн Собит имом Абу Ҳанифа(р.х.\ милодий 699-767 йй.) насли эронлик, асли эса куфалик. Ўзига тўқ ипак сотувчи уйида таваллуд топган – ҳанафий мазҳаби асосчиси. Устози эса, ҳуқуқшунослик марказларидан бири Ироқдаги Куфа шаҳри бўлган. Расулуллоҳ с.а.в.нинг саҳобаси Абдуллоҳ ибн Масъуд(в.653 й.) у ерга фақиҳ ва муаллим сифатида Халифа Умар р.а. томонидан юборилган эди. Унинг талабалари фуқоҳо сифатида тан олинган. Энг машҳурларидан бири Ҳаммод ибн Аби Сулаймон(в. 738 й.) мазкур мазҳабга ном берган Абу Ҳанифанинг устози бўлган.

Қиёс, раъй ва истехсонга асос солган, шаклантиргани натижасида унинг мактаб вакилларига “Аҳли раъй” ва “Аҳли ҳадис” деб тарихий ном беришган. Абу Ҳанифа мактаби тамойилига кўра, унинг шахс эркини ҳурматлаш ҳуқуқий назарияси орқали мусулмон ҳуқуқшуносларидан асосли фарқ қилган. “Бизнинг бу борадаги энг аъло билимимиз раъйдир. Бу – биз эриша олган энг аъло нарсадир”, деган эди Абу Ҳанифа ҳазратлари. Ибн Надийм “Фихрист” номли китобида қайд этгани каби, “Усулул фикҳ”га барча қоидаларни илк бора имом Абу Ҳанифа ва унинг шогирдлари “Китоб ал-хараж” асари муаллифи Абу Юсуф(731-798) ва “ал-Мабсут”, “ал-Жомий ал-кабир”, “ал-Жомий ас-ағир” “ас-Сияр ал-кабир”, “ас-Сияр ас-сағир”, “аз-Зийдот”, “Кутуб захиратур ривоя” асарлар муаллифи Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний(749-804\05) кабилар алоҳида рисоаларида жамлашган. Муҳаммад Шайбонийнинг асарлари ўнинчи асрда Абулфазл ал-Марвазий\ал-Ҳоким аш-шаҳид номи билан машҳур аллома томонидан “ал-Кофий” унвони билан яхлит мужалладда тўпланган. Бу тўпламга ўн биринчи асрда Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Сарахсий(вафоти милодий 1090 йил) “Мабсут” номидаги 30 жилдлик шарҳ ёзган. Абулхусайн Қудурий(вафоти милодий 1037 йил) “Мухтасар”, Қозихон(вафоти милодий 1196 йил) “Фатово”, Бурхониддин ал-Марғиноний(вафоти милодий 1197 йил) “ал-Ҳидоя”, Ибн Баззоз(вафоти милодий 1414 йил) “Фатово” каби асарлар яратиб исломда ҳуқуқ илмий асослари ривожига катта ҳисса қўшганлар. Ўз навбатида бу шарҳ усмонийлар салтанатининг 1869 йилги “Мажалла” – фуқаро кодексининг асосини ташкил этиб,

танзимат даври ҳуқуқий ислоҳотларининг узвий қисмини эгаллаган. Мисрда 1860 йиллар ислоҳотларидан кейин “Мажолис маҳаллийа” ташкил этилиб, ҳали дунёвий кодекслар доирасига кириб улгурмаган ишлар ҳам улар юрисдикциясига ўтади.

Ҳанафийлик мазҳаби ҳозирги кунда яшовчанлиги билан эътиборга молик йўналиш сифатида жаҳоннинг мусулмон мамлакатлари: Миср, Сурия, Ливан, Ироқ, Иордания, Фаластинда расмий мазҳабдир. Болқон, Кавказ, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Марказий Осиё республикалари ва Хитой(Уйғуристон) устувор мазҳабдир. Шарқ, Узоқ ва Яқин Шарқ, Шарқий ва Ғарбий Европа ва Марказий Осиё ва шу каби бошқа минтақаларда ҳам оз бўлса-да, ҳанафийликнинг издошлари мавжуд. Ҳанафий мазҳаби мусулмонлар дунёсининг деярли ярмига ёйилган.

Ҳанафий мазҳаби уламолари. Бу йўналишда “Усулул фикҳ” қоидалари Абу Ҳанифа мазҳабидаги мужтаҳидларнинг ижтиҳодлари асосида ишлаб чиқилган. Чунки бу мазҳабдаги мужтаҳид уламолар имом Шофеъийнинг “Китобул умм” асарига ўхшаб ислом ҳуқуқининг усули фикҳ йўналишига доир манбалар қолдирилмаган. Уларда фақат ислом ҳуқуқи манбаларига оид фикҳий масалаларни қамраб олган асарлар мерос бўлиб қолган.

Кейинчалик яратилган бу йўналишдаги асарларда қуйидаги хусусиятлар кўзга ташланади: Усулул фикҳ ва фуруъил фикҳга оид қоидалар назарий ва амалий ҳукмлар узвий тарзда келган; муқобил қарашлар, қиёсий таҳлиллар асосида умумий фикҳ қоидалари ишлаб чиқилган. Қуйида ҳанафий мазҳаби уламолари илмий меросига оид усулул фикҳ манбалари келтирилади: Абу Бакр Аҳмад ибн Али Розий Жассос: “Китобул усул”, “ал-Фусул фил усул”; Абу Зайд Убайдуллоҳ ибн Умар ибн Ийсо Қозий Даббусий: “Тақвиймул адилла”, “Илмул хилоф”, “Китобул асрор”, “Китобул амадул ақсо”, “ан-Нузум фил фатво”; Имом Али ибн Муҳаммад ибн Абдукарим Фахрул ислом Баздавий: “Шарҳу тақвиймул адилла”, “Китобул усул”, “Шарҳи Мабсут”, “Шарҳи ал-Жомеъ ал-кабийр”, “Шарҳи ал-Жомеъ ас-сағийр”, “Тафсир ал-Қуръон”, “Усули Баздавий”; Имом Алоуддин Абдулазиз ибн Аҳмад Бухорий: “Кашфул асрор шарҳи усулил Баздавий”; Имом Абулбаракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Ҳофизуддин Насафий: “Манор”, “Маорул анвор”; Имом Шамсул Аимма Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий: “Тамҳийдул фусул фил усул”; Шайх Шужоуддин Ҳибатуллоҳ ибн Аҳмад Туркистрний: “Табсийротил асрор фии шарҳил Манор” ва бошқалар.

Кейинги давр “мутааххирлар йўналиши”, еттинчи асрга келиб, уламолар ислом ҳуқуқшунослигига ривожига ўз ҳиссаларини қўшганлар, натижада “Усулул фикҳ” ва “Фуруъул фикҳ” йўналишларини ўзаро муштарак ҳолга келтирган бир қанча манбаларни яратишган. Усул қоидалари асосида, муаммони ўрганиш асносида далилий ашёларни келтириш билан исботлашга, сўнгра уларни “Фуруъул фикҳ” илмига татбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратишган. Бу ишни асосан ҳанафий ва шофеъий мазҳаби уламолари амалга оширганлар. Уларнинг йўналишлари “мутааххирлар йўналиши” деб юритилади.

Ҳанафий мазҳаби йўналиши мутакаллимлари, фақиҳлари томонидан яратилган ислом ҳуқуқининг “Усулул фикҳ”, “Фуруъул фикҳ”, “Калом илми” соҳаларига оид маълумотларни ўзида мужассам этган манбалари қуйидагича:

Имом Муҳаммад ибн Муҳаммад Абу Мансур Мотуридий ас-Самарқандий: “Китобут тавҳийд”, “Китобул мақолот”, “Таъвилоту аҳлис сунна”, “Китобу авҳомул муътазила” каби илмий меросига эга; Музаффаруддин Аҳмад ибн Али Соатий Ҳанафий: “Бадийъун низом ал-жомеъу байна китобай Баздавий вал аҳком”; Имом Садруш шарийъа Убайдуллоҳ ибн

Масъуд Бухорий: “Танқиҳул усул”, “Тавзиҳ фии ҳалли ғавомизит танқиҳ”, “Мухтасарул виқоя”, “Никоя”, “Вишоҳ”, “Таъдиятул улум”; Саъдуддин Масъуд ибн Умар Тафтазоний: “Талвиҳ фии кашфи ҳақоикит танқиҳ”, “ат-Талвийҳ ала ат-тавзийҳ”, “Шарҳул ғақойид”, “Мақосидул калом”; Тоҷуддин Абдулваҳҳоб Субкий: “Жамъул жавомиъ”; Имом Камол ибн Хумом Ҳанафий: “Китобут таҳрир”; Ибн Амийрул Ҳажж: “ат-Тақрийр ват-таҳбийр фии шарҳит таҳрийр”; Муҳибуллоҳ ибн Абдушшакур Ҳиндий: “Мусалламус субут” кабилар.

Фикҳий мутакаллимлар йўналиши. Бу таркибга киритилган уламолар муаммони ҳал этишдаги далил ва ҳужжатларининг матни, луғат, калом илми(ислом фалсафаси – теология) ва ақл қоидаларига суянганлар. Ўз қарашларида фуруъул фикҳга эътибор қаратишмаган.

Мутакаллимлар эса бу йўналиш бўйича китоб ёзган алломаларнинг услуби асосан учта мезон билан ўлчанади: ақлий далилларга таяяниш; маълум фикҳий мазҳабга ён босмаслик; фуруъул фикҳга фақат мисол келтириш учун эътибор қаратиш. Шофеъий, Моликий, Мўътазилий ва бошқа мазҳаб уламолари ушбу йўналишда “Усулул фикҳ” фани китобларини таълиф этиш орқали унинг қоидаларини назарий-мантикий равишда ислоҳ этишни мақсад қилганлар.

Тўққизинчи, ўнинчи ва ўн биринчи асрларга келиб, мутакаллимлар ва шофеъий уламолари йўналишида ҳам битилган ислом ҳуқуқи манбаларига қуйидагилар мисол бўла олади: Абдулжаббор Мўътазилий: “Китобул умда”; Абулҳасан Муҳаммад Али Басрий: “Китобул муътамад”; “Имом Ҳарамайн” таҳаллусига эга Абул Маъолий Абдулмалик ибн Абдуллоҳ Жувайний Нишопурий: “Бурҳон”; Қози Абдуллоҳ ибн Умар Байзовий: “Минҳожул вусул ила илмил усул”; Ҳужжатул ислом Абу Ҳомид Ғаззолий: “Мустасфо фи илми Усулил фикҳ”; Имом Фаҳруддин Розий: “Маҳсул”; Абулҳасан Омидий: “Иҳком фи усулил аҳком” кабилардан иборат. [6]

**Мадина**да Молик ибн Анас ал-Асбахий имом Молик(р.х.\милодий 713-795 йй.) камон ўқлари ясовчи оилада таваллуд топди, ўзи эса ипак матолари савдоси билан шуғулланган – моликийлик мазҳаби асосчиси. Унинг Расулуллоҳ Муҳаммад с.а.в., саҳобалар ва тобеъинларнинг фикҳга оид қарашлари, қарорлари ва қавлларини ўзида тажассум этган “ал-Мувааттоъ” (“Умумий тушунчалар”) асари ислом ҳуқуқшунослигида асосий манба саналади.

Имом Моликнинг ҳуқуқий назарияси шак-шубҳасиз тарихий анъана билан боғлиқ бўлган. Қиёс ва Раъйга муташобих ўхшаш фикрларни ҳам қўллаган. Молик мазҳаби бўйича Қуръон ва ҳадис бир манба – “насс”ни ташкил этиб ислом ҳуқуқи асослари саналган. “Ўтмишдошларимнинг асарларида бирон масалага жавоб топмаганимда, ишга қараб ўзим ижтиҳод қилдим. Шу билан бирга мадиналикларнинг раъйларидан четга чиқмадим. Агар бирор масала юзасидан ҳеч нарса топмасам, раъйимга биноъан иш тутдим”, деган имом Молик ҳазратлари. Имом Моликийнинг инсон ҳуқуқи назарияси чекланган ёки консерватив тус олган. Бу – ўз даврида Мадинада ҳкм сурган консерватив руҳдан келиб чиққан. Моликий олимлар: шунингдек, унинг шогирдлари сафига ҳанафий мазҳаби уламоларидан Абу Ҳанифа шогирди назарийетчи Муҳаммад ибн Шайбоний. Бўлажак шофиъийа мазҳаббошиси Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофиъийлар кирган шунинг учун ҳам шофиъийа мазҳабидаги энг кўп ҳукмлар имом Моликнинг ҳулосаларига асосланган. Моликий мазҳаби ҳозирги кунда яшовчанлиги билан эътиборга молик йўналиш сифатида жаҳоннинг Саъудия Арабистони, Миср, Судан, Баҳрайн, Бирлашган Араб Амирликлари ва Қувайт, Марокаш,

Жазоир, Тунис, Ливияда етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Шу каби бошқа минтақаларда ҳам оз бўлса-да, моликийликнинг издошлари мавжуд.

Имом Моликийнинг илмий мероси ҳанафий олим Муҳаммад ибн Шайбоний ва Яхё ал-Лайсий(в.848 й.), тунислик олим Али ибн Зиёд(в.800 й.). “Ал-Мудаввана” муаллифи Асад ибн Фурот, бу асар кейинроқ Абдусалом Сахнун(вафоти милодий 854 йил)нинг “ал-Мудаввана ал-кубро”(“Йирик девон”) номли асарида қайта таҳрир қилинган. Ибн Рушд(в. 1126 й.), Муҳаммад ибн Арабий(в.1148 й.), Ибн Аби Зайд ал-Қайравоний(в.996 й.) “ар-Рисола” асари ҳам алоҳида қиймат ва диққатга сазовор. Моликийликка дахлдор асарлар ҳамда уларнинг олим илмий меросига ёзган изоҳ ва шарҳлари талқинидаги нусхалар орқали унинг таълимотлари бизгача етиб келган.

**Фаластинда** Расулulloҳ Муҳаммад с.а.в. аждоди Ҳошимнинг акаси ал-Мутталиб авлодидан бўлган Муҳаммад ибн Идрис ибн ал-Аббос ибн Усмон имом аш-Шофиъий(р.х.\ милодий 767-820 й.) таваллуд топди – шофиъийлик мазҳаби асосчисидир. Фаластин, Макка, Мадина, Яман, Ироқ, Мисрга саёҳатлари ва ортирган тажрибасига таяниб, “Усули фикҳ”га бағишланган биринчи китобни имом Муҳаммад Шофиъий ўз назариясини ифода этган машҳур “ар-Рисола” асарини таълиф этган. Мазкур китоби бизгача етиб келган. Шунинг учун имом Шофиъий уламолар ўртасида “Усулул фикҳ” илмининг асосчиси сфатида машҳур. Имом Шофиъий “ал-Умм” асари ислом ҳуқуқшунослигида энг асосий манба ҳисобланади. У асарида (шогирди ар-Рабий ибн Сулаймон (в.884 й.) нафақат шофиъий мазҳаби назариясини ифодалайди, балки ўзга мазҳаблар орасидаги кўплаб фарқларни ҳам изоҳлайди. Мазкур етти жилдли китобга турли ҳуқуқий масалалар, Али ва Ибн Масъуд орасидаги ихтилоф, Шофиъий ва Молик қарашлари орасидаги фарқ киритилган. Имом аш-Шайбоний томонидан Мадинанинг айрим назариялари рад қилингани баён этилган. У асар 1968 йилда Қоҳирада нашр этилган бу асар еттинчи жилдининг хошияларида Шофиъийнинг ўзга бир асари “Ихтилоф ал-ҳадис” ҳам босилган.

Шофиъий олимлар: Имом Шофиъийнинг Ироқдаги шогирдлари Аҳмад ибн Ҳанбал, Довуд аз-Зоҳирий ва Абу Жаъфар ибн Жарир Табарий ўз минтақаларида мазҳаб таъсис этишган. Булар ичидан фақатгина Аҳмад ибн Ҳанбал мазҳабигина давр синовларидан сақланиб келмоқда. Унинг шогирдлари Ироқда, Мисрда, Шерозда шуҳрат қозонган. Аббосийлар бош вазири қози ал-қуззо Абулҳасан Мовардий(964-1058. Бу шахс ҳақида кейинроқ мақоланинг куйисида батафсилроқ тўхталинади - ЖЗМ), Абу Исҳоқ Иброҳим аш-Шерозий(в.1083 й.)га атаб салжуқийлар вазири Низомулмулк Бағдодда Низомийя мадрасасини куриб берган. Файласуф ва фақиҳ Абу Ҳомид ал-Ғаззолий(в.1111 й.), комусий олим Жалолиддин ас-Суютийлар шу мактаб вакиллари дир. Миср янги мазҳабнинг ватани бўлгани учун, у ерда чуқур илдиз отгани табиий. 1517 йили усмоний турклар томонидан Мисрга ҳанафий мазҳаби киритилади. Ҳозирда суд маҳкамаларида шахсий мақом борасида ҳанафий мазҳаби татбиқ этилса-да, кўп мисрликлар, айниқса қишлоқ жойларда, ўз диний ва азҳабий ва урф-одатларида шофиъий анъаналарига содиқ қолганлар.

Шофиъийлик мазҳаби ҳозирги кунда яшовчанлиги билан эътиборга молик йўналиш сифатида жаҳоннинг Ироқ, Эрон, Яман, Фаластин, Иордания, Макка, Мадина, Миср, Сурия, Покистон, Ҳиндистон, Индонезия, Малайзиядаги “аҳли ас-сунна вал-жамоъа” мазҳабларига тобеъ мусулмон жамоъалар ҳам ва шу каби бошқа минтақаларда ҳам оз бўлса-да, шофиъийликнинг издошлари мавжуд.

**Бағдодда** Аҳмад ибн имом Ҳанбал(р.х.\ милодий 780-855 йй.) таваллуд топди – ханбалӣлик мазҳаби асосчиси. Даври назорати остида ҳижрий иккинчи асрнинг охирларига келиб юзага чиққан. Аҳмад ибн Ҳанбал Сурия, Ҳижоз, Яман, Куфа ва Басрага 40.000дан ортиқ саҳиҳ ҳадис тўплаш мақсадидаги саёҳатлари натижасида яратилган “ал-Муснад ал-имом Аҳмад” номли 6 жилдли асари ҳам ислом ҳуқуқшунослиги асосий манбаси сифатида ўта кадрлидир. Унинг мазкур ҳадисга оид асар муаллифи бўлгани, фикҳга оид бирорта асар битмагани сабабли аксар мусулмон уламолари уни фақиҳ эмас, балки муҳаддис деб билади. Ибн Ҳанбал Бағдодда инквизиция (михна) даврида имонига собит бўлгани ва Қуръоннинг “яратилгани” ҳақидаги назарияга кескин қарши тургани, калтаклангани ва қамокқа ташлангани туфайли машҳур.

Ҳанбалӣ олимлар: Аммо лекин бироқ унинг шогирдлари олимнинг ҳуқуқий қарашлари ва фатволарини йиғиб, бу мазҳабга алоқадор ҳуқуқий тамойиллар ва қонунларни такомилга етказганлар. Бу мазҳаб ўзларига нисбатан кўпроқ ҳадисларга таянади ва қонун асослари жиҳатидан фарқ қилади. Улар ҳадислар моҳиятини Қуръон оятлари мартабасигача кўтаришган. Ҳадисларга (би-ла кайфа) “қандай” деб, савол бермасдан тўғридан тўғри ишониш зарур деганлар.

Қози Мардовий: “Таҳрирул манқул ва таҳзийбу илмил усул”; Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдулазиз ибн Нажжор Ҳанбалӣ: “Мухтасарит таҳрир”, “Кавкабил мунийр”, “Шарҳу Кавкабил мунийр” кабилардир. [8].

Ибн Қаййум ал-Жавзийя( вафоти милодий 1350 й.) фикҳ асослари бета: 1. Қуръон ва сунна матнлари; 2.Саҳобаларнинг фатволари; 3.Қуръон ва суннага мувофиқ бўлса, айрим саҳобанинг қавллари; 4.Истиноди(санади) заъиф ёки хабар берувчилар сони кам бўлган ҳадислар; 5.Мутлақо иложсиз қолганда, қиёс бўйича ҳукм чиқариш. Ибн Таймийя(в.1327 й.) Дамашқ қалъасида қамокқа олинган.Нажднинг ханбалӣ ислоҳотчиси Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб(в.1792 й.) ҳаёти ва фаолияти ҳам шунга мисол. Ибн Абдулваҳҳоб Қуръон ва суннага таянган бошланғич исломнинг сарчашмаларига қайтишга даъват этади. Ҳанбалӣлик мазҳаби ҳозирги кунда яшовчанлиги билан эътиборга молик йўналиш сифатида Ваҳҳобийларнинг муваффақияти ва ХХ аср бошида Саъуд оиласининг ҳукумат тепасига қайтиши Саъудия Арабистонида ханбалӣ мазҳабини расмий мазҳаб сифатида таъсис этилишига олиб келган. Жаҳонда ханбалӣлик Қатарда расмий мазҳаб ҳисобланади, Фаластин, Сурия, Ироқ ва Миср каби бошқа минтақаларда ҳам оз бўлса-да, ханбалӣликнинг издошлари мавжуд.

Жаҳон маданий тараққиётида ўзига хос ўринга, беқиёс шухратга молик давлатлар қаторида – Туркий тилли давлатлар туради. Унинг Илк Ислом даврларида иккита туркий халқлар пойтахт шаҳри юксак унвонларга эга бўлгани ҳам тарихий манбашуносликдан маълум. Бу ҳақдаги тавсифлардан бири – “Бухоро қуввати исломи династ” (“Бухорои шариф – Қуббатул ислом аст Ислом маданиятининг маркази”)ни келтирсак, ҳеч муболаға бўлмайди. Бу биринчи ренессанс даврларига тўғри келади ва у ўзига хос ҳисса қўшган алломалар юрти саналган...Жаҳон цивилизацияси тарихига ўчмас илмий мерослари билан бетакрор ҳисса қўшган, кўпгина алломаларни етиштирган навбатдаги бу замин ҳозирги замонларда ҳам ўзининг беназир шукуҳи билан оламларни ўзига ром этиб, марказлашаган салтанат сифатида тарихга кирган, иккинчи реассансга пойдевор вазифасини ўтаган минтақа бу туркий халқларнинг пойтахт шаҳри Самарқанддир. Бежизга “Самарқанд сайқали рўйи заминаст” (“Самарқанд ер юзининг сайқали”) – дея, тавсифи берилмаган.

Инсоният тамаддунига ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, фикҳий, тарихий, фалакиёт, астрономия, тиббиёт, хандаса, Қуръоншунослик, ҳадисшунослик, тафсирунослик, фикҳшунослик, сиёсатшунослик, ислом фалсафаси, калом илми, ақийда ва теология каби барча илмларда пешовар бўлган комусий алломаларнинг таълимотлари билан бугунги тараққиётга эришганимиз ҳеч кимга сир эмас. Қадимий ва навкирон Самарқанд музофотининг жанубий теграсида ҳозирги Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз тумани атрофида жойлашган Вардганзе ноҳиясида (ота-боболари) туғулиб истиқомат қилган, кейинчалик Басра ва Бағдоддаги туркий маҳаллалардан бири “Дарбуз заъфарон” (“Атиргул ўстирувчилар учун холис ҳудуд”)да яшаб, илк бор ислом илмларини Отасидан ўрганган, кейинчалик устозлари уни Бағдоддаги “Байтул ҳикма” (“Донишмандлар уйи”)га олиб келишгач, у ерда илмга ўта чанқоқлиги ва билимдонлиги, саховатпешалиги каби эзуликка дахлдор фазилятлари ила ном қозонган, қози ал-қузот, ақзо ал-қузоз даражасига эришган, адлия вазири, бош вазир мақомида фаолият юритган Абулҳасан Али ибн Муҳаммад бин Ҳабиб ал-Мовардий (964 -1058 йиллар)[1] ўзининг серқирра илмий мероси билан ҳам жаҳон тарихида теран из қолдирган. Тарихга Мовардий таҳаллуси билан кирган. Куняси Абулҳасан, исми Али ибн Муҳаммад бин Ҳабибдир [2].

Абулҳасан Мовардий ишлаб чиққан “Адабул қози” ислом ҳуқуқшунослик манбаъсига кўра, Исломда ўрнатилган ҳуқуқшунослик фани, махсус таълим йўналиши мавжуд бўлиб, луғавий жиҳатдан олиб қаралганда у “Фикҳ” – “Билмоқ”, “Илм ал-Фикҳ” – “Билиш(Фикҳ/Ислом Ҳуқуқи) илми”, “Усул ал-фикҳ” – “Билим(Фикҳ/ Ислом Ҳуқуқи)нинг назарий манбаъи, усуллари”, “Фуруъул фикҳ” – “Билимнинг (Фикҳ/Ислом Ҳуқуқи) амалий шахобчалари”, “Усули шарият” – “Салтанат бошқаруви/ Сиёсий-ҳуқуқий бошқарув назарияси ва амалиёти” деб, номланади. Истилоҳда яъни амалда эса, назарий ва амалий ҳуқуқий билимлар йиғиндиси сифатида кишилик жамиятида истиқомат қилаётган шахсларнинг ўзаро белгиланган сиёсий, диний, дунёвий, ҳарбий, илмий ҳақ-ҳуқуқларини ўрганади ва айни дамда инсоният ва ҳайвонот, жамодот(жонсиз мавжудот) олами манфаатлари фойдасига адолатли ҳукмлар – қонунлар, кўрсатмалар, фармонлар ишлаб чиқади, белгилаб беради.

Усулул фикҳ ва Фуруъул фикҳ илми асосида алоҳида махсус ишлаб чиқилган Сиёсий Фикҳ илми ўз навбатида инсонлар ўртасида, давлатлар, салтанатлар, амирликлар, подшоҳликлар, шоҳликлар, халифаликлар, қиролликлар, империялар орасида воқеъликда содир бўлган, бўлаётган феъл-атворларнинг оқибат натижаларини ипидан игнасиғача, таъбир жоиз бўлса, “қилни қирққа бўлиб” ўрганади. Бу фанга Абулҳасан Мовардий асос солган.

Бу илми эгаллаган шахс “сиёсий фақиҳ” – “сиёсатшунослик билимдони” яъни диний ва дунёвий илмларни барча туркумлари бўйича асл мутахассис, мужтаҳид деб номланади. Мужтаҳид – зиммасига юкланадиган масъулият ҳам ўзига хос талабларни қамраб олади. Жумладан: Ислом динининг дастури бўлган Қуръони каримни мукамал ўрганган бўлиши, унда ворид бўлган шаръий аҳкомларни аъло даражада тушуна билиши, қонунлар ишлаб чиқиб амалиётга татбиқ эта олиши, бу аҳкоми шариятининг иллати - келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва натижаларини беш қўлдек билиши, амалда сиёсий фикҳни қўллай олиши шарт.

Аллома сиёсий фақиҳ ва мужтаҳид даражасида бўлса, Аллоҳнинг Китоби – Қуръони каримдаги илоҳиёт сиёсати даражасидаги Аҳком оятларини билиши, шунга кўра илмий

таҳлиллар олиб бориши, муаммони осонгина ҳал қилиши лозим бўлади. Бунинг учун Қуръони каримдаги туркум аҳком оятлар таснифини яхши ўзлаштирган бўлсин. Улар Абулҳасан Мовардийга кўра асосан олти қисмга бўлиб ўрганилади: 1-умум ва хосс; 2-мужмал ва муфассар; 3-мутлақ ва муқаййяд; 4-исбот ва нафий; 5-муҳкам ва муташобих; 6-носих ва мансух кабилар этиб белгиланган. [3]

Келтирилган лафзларнинг маъно-мазмунларидаги “омм” – “умумга тегишли лафз”, “хосс” – “хусусийга оид лафз”, “муштарак” – “омм ва хосс ўртасида шерикликдаги лафз”, “муҳкам” – “далолати равшан лафз”, “муфассар” – “шарҳланган лафз”, “насс” – “Қуръони карим ёхуд ҳадиси шариф: ҳукм чиқаришга аниқ лафз”, “зоҳир” – “маъноси ва ишончлик даражаси юқори лафз”, “мужмал” – “илк ҳолатни шахсан – зотан баён қилувч лафз”, “муфассал” – “батафсил маълумот берувчи лафз”, “муташобих” – “ўхшаш ёхуд шубҳали лафз”, ва бошқа мезонларни билиши даркор.

Фикҳ илмининг ўзига хос объекти бу – олам ва одамларнинг хатти-ҳаракатларини илмий асосларда ўрганади. Тирикликка дахлдор инсон ёхуд аниқроғи Муҳаммад алайҳиссалом умматининг, тўғрироғи ўзини Аллоҳнинг бандаси эканлигини тан олган, мўмин-мусулмон шахснинг зиммасига юкланган ижтимоий юқламалар, муомалот ва ибодот: фарз, вожиб, суннат, мубоҳ, макруҳ, амру наҳийни амалда бажарган, бажарётган ҳамда бажармоқчи бўлган шахс хатти-ҳаракатларининг сиёсий-ҳуқуқий мақомга мос, шариъат аҳкомларига мувофиқлигини тадқиқ этади.

“Усули Шаръийа” [4] аҳкомлари эса қуйидаги маҳсус манбалар: Аллоҳу таъолонинг охириги китоби Қуръони карими ва унда келтирилган илоҳий буйруқлари; Аллоҳнинг охириги Расули Муҳаммад алайҳиссалом кўрсатмалари ва суннати мутоҳҳаралари яъни амалда бажарган урф-одатлари; алоҳида соҳа мутахассис алломалар, мужтаҳид уламолари томонидан Аллоҳ ва Расулининг сўзларидан истинбот тарзида ишлаб чиқилган таълимотлари; бир муаммо устида саҳобалар, имомлар, мужтаҳидларнинг яхлит фикрга келгандаги “ижмоъ”, “қиёс”, “ижтиҳод”, “истинбот”, “истеҳсон”, “истидроқ”, “истислоҳ”, “истеҳком”, “истисҳоб” “истишора”, “истидлол”, “истиъроф”, “истиъмом”, “иттифоқ”, “маслаҳат ул-мурсала”, “урф-одат\гаомул”, “саҳобийнинг мазҳаби”, “қовлус саҳобий”, “шаръу ман қоблана”, “тахриж”, “таржиҳ”, “фатво” каби восита ва далилларидан иборат.

Абулҳасан Мовардий амалиётга татбиқ этган “Усули Шаръийа”нинг асл ҳукм мезонлари тўртта асосни ўз ичига олган.

## REFERENCES

1. Жўраев З.М. Ал-Мовардийнинг ”Ал-Аҳком ас-султонийа” асари – мусулмон Шарқи давлат бошқаруви тарихига оид муҳим манба (XI аср). Ихтисослик: 24.00.01 – Исломи тарихи ва манбашунослиги. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Автореферат ва диссертация., - Тошкент: “Zamon Poligraf”, 2019. - 46 б.
2. Жўраев З.М. Марказий Осиёдан етишиб чиққан аллома Абулҳасан Мовардийнинг илмий мероси: “Одоб ал-қози” асари қуръоншунослиги ва манбашунослиги. – Тожикистон: Панжикент, педагогика институти, 2022. – Б.230-240 .
3. Абулҳасан Мовардий. Адабул қози. – Ирок/Бағдод: 1971. Матбатуул иршод, - Б.282. Фасл: Аҳкомул оёт.;



4. Жўраев З.М. Мовардийнинг Шарқ давлатчилиги таълимоти (X – XI асрлар). – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2015. – 310 б.
5. Абулҳасан Мовардий. Адабул қози. – Ироқ/Бағдод: 1971. Матбатуул иршод, -Б.273. Фасл: Усули шаръ ҳақида назарий билимлар.;
6. Абулҳасан Мовардий. Адабул қози. – Ироқ/Бағдод: 1971. Матбатуул иршод, - Б.277-280. Фасл: ал-Усулуш шаръиййа.;
7. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Усулул фикҳ. – Тошкент: “Hilol-Nashr”, 2019. – Б.15-24.
8. Жўраев З.М. Ал-Мовардийнинг “ал-Аҳком ас-султониййа” асари – мусулмон Шарқи давлат бошқаруви тарихига оид муҳим манба (XI аср). Ихтисослик: 24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD ) Автореферат., – Тошкент: “Zamon Poligraf”, 2019. - 46 б.;
9. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Усулул фикҳ. – Тошкент: “Hilol-Nashr”, 2019. – Б.15-24.;
10. Қуръони карим 45-Жосия сураси: *Жосия – тиз чўкиб ўтирувчи деган маънони билдиради. Суранинг 28-оятда қиёмат кунни ҳар бир уммат ўз тақдири нима бўлишини кутиб, тиз чўккан ҳолда ўтиришлари тасвирланган. Шу сабабли сурага мазкур ном берилган. Сурада Исроил авлодининг Аллоҳга нисбатан итоатсизлик ва ношукурчиликлари, умуман, инсоннинг дунё бойлигига ортиқча меҳр қўйиши ва бахиллик қилиши мудҳиш оқибатларга олиб келиши ҳақида танбеҳ берилган.*
11. Қуръони карим, 6-“Анъом” сураси: *“Анъом” – чорва моллари. Улар ҳақида бир неча оятлар бўлгани учун сура шу ном билан аталган. Сурада Ислом ақидаси асослари, шариат аҳкомлари, оилавий масалалар, жиҳод аҳкомлари, гайридинларга доир кўрсатмалар, қиёмат, охираат, пайгамбарлар, дунё ва ҳаёт моҳиятига тааллуқли маълумотлар ўз ифодасини топган.*
  - *Бу ердаги ўхшатиш, албатта, ҳамма жиҳатдан эмас, балки хилқат, ҳаёт, ўлим, Аллоҳга эҳтиёжли бўлиш, Уни таниб, ҳамду сано ва тасбеҳ айтиш, бир-бирлари билан яқин алоқада бўлиш ва кўп сифатларда улар билан инсонлар ўртасида ўхшашлик бор. Паррандалар сафига сувдаги жониворлар ҳам киради. Зеро, улар ҳам худди қушлар ҳавода сузганидек сувда сузиб юрадилар (Хз.).*
12. Қуръони карим 42-Шуро сураси: *Шуро – маслаҳат, кенгаш демакдир. Сурада мусулмонлар диний ва дунёвий ишларини ўзаро маслаҳат ва кенгаши асосида амалга оширишлари мақтовга сазовор экани айтилади. Шунингдек, унда қиёмат, жаннат, дўзах, тавҳид, имон, куфр, ширк, зулм каби тушунчаларнинг Ислом таълимоти бўйича кенг тафсилоти ва бир неча машхур пайгамбарларнинг номлари ҳамда охираатда бўладиган воқеалар зикр этилади.*
13. Аллоҳу таоло Қуръони карим 50-Қоф сураси: 45-оятда айтади:

نَحْنُ أَعْلَمُ بِمَا يَقُولُونَ وَمَا أَنْتَ عَلَيْهِمْ بِجَبَّارٍ  
فَذَكِّرْ بِالْقُرْآنِ مَنْ يَخَافُ وَعَبِيدٍ

*Биз улар (кофирлар) айтаётган гапларни яхши билурмиз. (Эй, Муҳаммад!) Сиз уларнинг устида туриб (имонга) мажбурловчи\зўрловчи эмассиз. Бас, ушбу*

*Қуръон билан Менинг ваъид\таҳдидимдан қўрқадиган кишиларга насиҳат қилинг!*  
(Бу ўйлаб кўриладиган мавзу экан. Сиёсий-ҳуқуқий жиҳатлардан иёсий ўрганиш талаб этиладиган Қуръони карим ояти каримаси - ЖЗМ.)

14. Абулҳасан Мовардий. Адабул қози. – Ирок/Бағдод: 1971. Матбатуул иршод, - Б.277-280. Фасл: ал-Усулуш шаръийа.;
15. Juraev, Z. M. (2019). The intention – a choice or the doctrine of election in Mavardi product «A lahkomi-as-sultoniya va-l-valoyot ad-diniya». ISJ Theoretical & Applied Science, 07 (75), 446-453. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-07-75-72> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.07.75.72> Classifiers: Geography. History. Oceanology. Meteorology. National University of Uzbekistan, Senior lecturer, Tashkent, Republic of Uzbekistan. The intention – a choice or the doctrine of election in Mavardi product “Al-ahkom as-sultoniya va-l-valoyot ad-diniya”. // International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science. International Academy of Theoretical & Applied Sciences Technology and Science. – USA – Philadelphia, N 07 (75) 2019. – P. 446 – 453. p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) Year: 2019 Issue: 07 Volume: 75 <http://t-science.org/> [http://dx.doi.org/ 10.15863/TAS](http://dx.doi.org/10.15863/TAS) SOI: 1.1/TAS. DOI: 10.15863/TAS. E-mail: [T-Science@mail.ru](mailto:T-Science@mail.ru) Editorial office: <http://T-Science.org> phone:+777727-60681 Impact Factor ICV = 6,630, Impact Factor ISI = 0.829. (8.716) based on International Citation Report (ICR). QR – Issue QR – Article Impact Factor: ISRA (India) = 3.117 ISI (Dubai, UAE) = 0.829 GIF (Australia) = 0.564 JIF = 1.500 SIS (USA) = 0.912 PИИЦ (Russia) = 0.156 ESJI (KZ) = 8.716 SJIF (Morocco) = 5.667 ICV (Poland) = 6.630 PIF (India) = 1.940 IBI (India) = 4.260 OAJI (USA) = 0.350 Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-07-75-72> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.07.75.72> C.
16. Ziyovuddin Juraev. Studying Of Mavardi’s Work “Al-Ahkom As-SultoniyyaVa-l-Valoyot ad-Diniyya” The Original State Governing And Political – Legal Doctrine. The American Journal of Social Science and Education Innovations (ISSN – 2689-100x). Published: April 17, 2021 |Pages: 55-63. Doi: <https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume03Issue04-08>. Impact Factor 2021: 5.857. OCLC – 1121105668. Journal Website: <http://usajournalshub.com/index.php/tajssei>. Doctoral Student, Departament Of Islamic Studies And ICESCO Study Of Islamic Civilization, Faculty Of Islamic Studies, International Islamic Academy Of Uzbekistan, Associate professor Of “Source Studies”, Faculty Of History, National University Of Uzbekistan Named After Mirzo Ulugbek, Uzbekistan. The Usa Journals Volume 03- issue 04-2021.
17. Ziyovuddin Muhitdinovich Juraev Associate Professor Of "Source Studies And Archival Studies", Faculty Of History, National University Of Uzbekistan Named After Mirzo Ulugbek. Doctor Of Philosophy (Phd) In History., Uzbekistan Oltinoy Masalievna Masalieva Associate Professor of History of Uzbekistan Uzbek State University of World Languages, Uzbekistan. Eleven Ahmad Pilgrimage And Seal And Flag Of Victory. The American Journal of Social Science and Education Innovations (ISSN – 2689-100x) Published: December 11, 2020|Pages: 43-50 Doi: <https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume02Issue12-09>. IMPACT FACTOR 2020: 5. 525 OCLC – 1121105668 [editor@usajournalshub.com](mailto:editor@usajournalshub.com) [www.usajournalshub.com/index.php/tajssei](http://www.usajournalshub.com/index.php/tajssei) SJIF 2020: 5.525 ISSN: 2689-100X Crossref The USA Journals Volume 02 Issue 12-2020 43. Journal

- Website: <http://usajournalshub.com/index.php/tajssei>. Copyright: Original content from this work may be used under the terms of the creative commons attributes 4.0 licence.
18. Abulhasan Movardiy ilmiy merosidaqur'onshunoslik rivoji: "al-Ahkom as-sultoniyya va l-valoyot ad-diniyya" asarida qur'onshunoslik va hadisshunoslik masalalari tahlili. Республика Онлайн Журнал. Science and education. Scientific journal. ISSN: 2181-0842: volume 4. April 2021.17. – B.557-575. [www.openscience.uz](http://www.openscience.uz)
  19. **SCOPUS N1.** Juraev Ziyovuddin Muhitdinovich. Journal of Critical Reviews. ISSN-2394-5125 Vol 7, Issue 3, 2020. Review Article. Al-Ahkom as-sultoniyya va l-valoyot ad-diniyya in source classification of world manuscripts study of Abulhasan Mavardi product. – 438-450 bb. International Islamic Academy of Uzbekistan, doctor of philosophy PhD in Histori and Source Studies of Islam, Senior teacher of the department "The Islamic Studies and studies of Islamic Civilization juraev741@mail.ru11, A.Kadiri. Tashkent, 100011, Uzbekistan. Acting associate professor of the Department "Source studies and archival studies" of the Faculty of history of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek. Received: 21.11.2019 Revised: 19.12.2019 Accepted: 17.01.2020. © 2019 by Advance Scientific Research. This is an open-access article under the CC BY license. <http://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.03.82>. <http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>. [http:// dx.doi.org/ 10.31838/ jcr.07.03.82](http://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.03.82).
  20. **SCOPUS N2.** Masalieva Oltinoy Masalieвна Doctor of philosophy, associate professor, Uzbekistan state world languages university Department of history of Uzbekistan. Juraev Ziyovuddin Muhitdinovich Doctor of philosophy, associate professor, National university of Uzbekistan after named Mirzo Ulugbek Address: Uzbekistan,Tashkent, Yunusabad 11/52/25 Email: [masaliyevaoltinoy@gmail.com](mailto:masaliyevaoltinoy@gmail.com). The Illumination of Bukhara Khans' Building Enterprise in the Some Historical Sources. TEST Engineering & Management. March - April 2020 ISSN: 0193-4120 Page No. 1803 – 1811. Article Info Volume 83 Page Number: 1803 - 1811 Publication Issue: March - April 2020. Article History Article Received: 24 July 2019 Revised: 12 September 2019 Accepted: 15 February 2020 Publication: 16 March 2020. Published by: The Mattingley Publishing Co., Inc
  21. **SCOPUS N3..** Ziyovuddin Juraev1, Doctor of Philosophy PhD, International Islamic Academy of Uzbekistan,National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek Tashkent, Uzbekistan. Email:[juraev741@mail.ru](mailto:juraev741@mail.ru) Oltinoy Masalieva2, Doctor of Philosophy PhD, Uzbekistan State World Languages University Tashkent, Uzbekistan. One of the Vital Educational and Scientific Heritage and the Development of Qur'anic Studies, 130. Ziyovuddin Juraev, Oltinoy Masalieva. (2022). One of the Vital Educational and Scientific Heritage and the Development of Qur'anic Studies. *International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECSE)*,14(1):130-136.DOI:10.9756/INT-JECSE/V14I1.221017 **Received: 26.08.2021 Accepted: 18.11.2021.** <https://www.int-jecse.net/abstract.php?id=408>; International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECSE), 14(1) 2022, 130-136 DOI: 10.9756/INT-JECSE/V14I1.221017;